

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**КАФЕДРА: ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ
ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШ, ПЕДАГОГИКА ВА
ПСИХОЛОГИЯ**

Касбий таълим йўналиши бўйича 7- курс талабаси

Урмонова Дилафруз Аширбоевнанинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Таълим мазмунини янгилаш механизмлари

Илмий раҳбар: п.ф.н. АҲМЕДОВА Г.М

7 курс 753 Б гуруҳ талабаси Урмонова Дилафрузнинг
Битирув Малакавий Ишни Аннотацияси

Мавзу. Таълим мазмунини янгилаш механизмлари

Ишнинг долзарблиги. Таълим соҳасида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телеком-муникацияларнинг замонавий усулларини ўзлаштириш бугунги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган бундай илғор ютуқлар нафақат мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларига, балки ҳар қайси оила ҳаётига кенг кириб бориши учун замин туғдиришининг чуқур аҳамиятини англаб олишимиз зарур», - дедилар Президентимиз.

Ишнинг мақсади. Узлуксиз таълим тизими замонавий илғор новатор ўқитувчисининг педагогик жараёни мукамаллаштириш механизмни ўрганишдан иборат.

Ишнинг вазифалари. Педагогик технология - таълим жараёни такомиллаштириш усулларини ўрганиш, илғор педагогик технологияларнинг хусусиятлари тавсифлаш, таълим мазмунини анъанавий усулларнинг замонавий ютуқлари асосида самарадорлаштириш усулларини баён этишдан иборат.

Ишнинг мазмуни. Битирув иши кириш, 3 асосий боблар, ҳаммаси бўлиб 40-бетдан иборат матн хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг 1-боби таълим жараёнидаги педагогик технологияларнинг ўрни ва қўллаш имкониятлари ҳақида, унинг 2-бобида илғор педагогик технологияларнинг тавсифи, таълим мазмунини самарадорлаштиришдаги аҳамияти, ўқитувчининг технологик имкониятлари ҳақида ёзилган, ишнинг 3-бобида таълим мазмунини анъанавий усулларнинг замонавий ютуқлари асосида самарадорлаштириш усуллари изоҳланади. Таълим жараёнини янгилаш механизмлари ифодаланади.

Ишнинг хулосаси. Таълим оловчиларни фаоллаштириш, ўқитувчи ва талабаларни ўзаро муносабатларини яхшилаш, педагогик фаолиятда ўқитувчига хос бўлган ижтимоий эҳтиёж – таълим тизимида илғор педагогик технологияларини жорий этиш талаб қилинади. Олий ўқув юртларида ахборот – коммуникация технологияларини замонавий педагогик технологиялар билан уйғунлаштирилган ҳолда қўллаш бўлажак мутахассис кадрларнинг касбий тайёргарлик сифатини яхшилашга хизмат қилади, ўқув машғулотларининг самарадорлиги ва ўқитувчи (педагоглар) меҳнатининг фойдали иш коэффицентини оширади.

Илмий раҳбар:

п.ф.н. Г.М.Аҳмедова